



ЖАМИЯТДА АХБОРОТ ИСТЕЪМОЛИ МАДАНИЯТИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

М.Т.Парпиев

АндУнинг Педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси
доценти, фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7575242>

ARTICLE INFO

Received: 16th January 2023

Accepted: 25th January 2023

Online: 26th January 2023

KEY WORDS

Ахборотлашган жамият,
рақамли технология,
“виртуал ҳақиқат”,
“виртуал маданият”,
“Интернет болалари”,
миллий қадриятлар
емирилиши, гриффинг,
ҳаётнинг реал
муаммоларидан чалғитиш.

ABSTRACT

Мақолада ахборотлашган жамиятда инсонларлар ва ёш авлод ҳаётига ҳамда уларнинг маънавий дунёсига кибермакон ва ижтимоий тармоқлар орқали таъжовуз қилиш, вайронкорлик, бузғунчилик, ахлоқсизлик ғояларини тарқатувчи мафкуравий хуружларни инobatга олиб жамиятда ахборот истеъмол маданиятини шакллантириш ва юксалтириш масалалари тадқиқ қилинган.

Бугунги глобал ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳозирги замон эмас, балки фазонинг маданий ҳукмронлигига айланишига олиб келди. Натижада, алоқа деярли бир зумда пайдо бўлади ва вақтни тежайдиган технологиялар вақтни нолга тенг бўлган сегментларга ажратади. XXI асрда технологиялар инсониятнинг ҳар қандай эҳтиёжларини қондиришнинг универсал воситасига, ёш авлод маданиятининг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Аммо, агар технология бутун маданиятни алмаштиришга ҳаракат қилса, яъни, дунёни техник ҳақиқатга айланттириш учун, бу инсоният учун номақбул натижага - ўрта муддатли истиқболда дунёқарашни йўқотишга олиб келади.

Виртуал воқеликнинг ҳар бир тури фазовийлик каби муҳим хусусиятларга эга. Кибермакон фақат компьютер виртуал ҳақиқатининг турлари билан боғлиқ бўлган фазовий хусусиятларнинг мавжудлиги учун шарт сифатида хизмат қилади. Умумлаштириш усуллари сифатида таснифлаш ва типларга ажратиш ўртасидаги тафовут туфайли ва бизнинг илмий қизиқишимизни ҳисобга олган ҳолда, “виртуал ҳақиқат” тушунчасининг баъзи белгиларини, аммо ҳаммаси ҳам “киберхона” тушунчасида одатда умумлаштириб бўлмайди.

Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат



ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз¹. Биз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳа ходимлари жаҳонда “киберкуртак” отаётган ва жаҳон геосиёсий жараёнларига ўз таъсирини кўрсатаётган кибермакон ва кибертерроризмга лоқайдсизларча қарасак келажак нима бўлади ва келгуси авлод олдида нима деб жавоб берамиз? Бунинг натижасида, ахборот инқилоби шароитида вужудга келётган глобал тармоқ жамиятлари мутасадди ва мутахассисларни жиддий ташвишга солмоқда. Бу турдаги жамиятлар ўзларини «киберинтернационал NET», «Интернет болалари», «Интернет фуқаролари (netizens)» деб номлашмоқда. Чет элларда улар Интернет орқали ёшларни бирлаштириб, давлатнинг расмий хабарларига қарши чиқувчи халқаро киберуюшма сифатида сиёсий майдонга чиқмоқда. Албатта, бундай жамиятларнинг фаоллиги ошиб борар экан, жаҳонда кечаётган жараёнларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши аниқ. Аммо биз учун масаланинг бошқа томони, шахссизлик, тарбиясизлик, маънавий қиёфаларнинг йўқотилиши, бегоналашув каби иллатларнинг ортиб бораётгани муҳим. Шунки, виртуал маконда берилаётган “маънавий озуқа” орқали истеъмолчини ўзи пайқаманган ҳолда шахс қиёфасини йўқота бошлайди, шахсий масъулият ҳисси сусайиб кетади, ҳиссиёт ақлий тафаккурдан устун келади, ўзини маънавий ва маданий жиҳатдан назорат қила олмай қолади. Бундай инсон алдовларга ва мишмишларга ишонувчан, машҳур шахсларга тақлид қиладиган, рекламага бериладиган бўлади.

Кибермакондаги энг оммалашган маънавий таҳдидлардан бири “оммавий маданият” дир. Унинг асосий унсури бўлган “поп-психология” ёшларда жамият, ота-она, оила олдидаги масъулиятни ўлдирмоқда. Зеро, унинг таянчи – “даромад, фойда ғояси ва бутун ҳамма нарсани, жумладан ҳаёт ва соғлиқни ҳам сотиб олиш мумкинлигига бўлган ишонч”² дир. Бу маънавий иллатни оммалаштириш вазифасини дунёда ҳозирги кунда аввало омманинг “тарбиячи” си вазифасини зиммасига олган интернетдаги тармоқлар, айниқса рақамли телевидение бажармоқда. Алоҳида қайд этиш лозимки, бутун дунёга сингдиришга ҳаракат қилинаётган ғарбона индивидуализмнинг инсон, шахснинг индивидуаллиги, ўзига хослигига мутлақо алоқаси йўқ. Аксинча, бутун дунёни ўзига бўйсундириш орзусидаги давлатлар тарғиб қиладиган индивидуализм шахснинг ўзига хослигини, алоҳидалигини ўлдиришга қаратилган. Ахборотлашган жамиятга танқидий қараган Герберт Шелер бундай кучлар учун ахборот тарқатиш фақатгина одамлар (ахборот истеъмолчилари) подага айлангандагина фойдали бўлади, деб ҳисоблайди. “Оммавий маданият” – ўз аудиториясига осон эга бўладиган ва тажовузкор маданият дир. В.М.Межуев “замонавий омма жамиятининг космополитизми” тўғрисида ёзар экан, ушбу ҳодисани унга қўшилиш мумкин бўлган, лекин бу ҳолда ўз миллий юзини сақлаб қолишнинг иложи қолмайдиган ҳодиса сифатида таърифлайди³. Бизнингча ҳам бундай тизим орқали оммавий коммуникация технологиялари ёрдамида оммавий истеъмолчи бошқарилади ҳамда истеъмолчига

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2022 йил 21 декабр, №272 (8334).

2 Федотов В.Г. Факторк ценностных изменений на Западе и в России.// Вопросы философии, 2005. № 11.-3 с.

3 Межуев В.М. Культурно-национальная идентичность как проблема современного этапа общественного развития.//Глобализация в культурологическом измерении. -267 с.



реал ҳаётий тажриба ўрнига виртуал макон тақдим этаётган сунъий ва сохта тажриба тутқазилади.

Давлатимиз раҳбари бу маънавий иллатларнинг таҳдиди ҳақида гапириб, шундай дейди: “Агар “оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан - Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суръатга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган кўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий. Энг ёмони, бадий ижод соҳасида жаҳолат кўринишлари кучайиб бормоқда. Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди”⁴. Биз ҳам ушбу фикрларга қўшилиб ижтимоий макондаги шахс маънавий оламига таъсир қилувчи омилларни ахлоқий ва диний меъёрларимиз асосида шакллантиришимиз ва бу борада қатъий давлат назоратини ўрнатиш лозим деб ҳисоблаймиз.

“Оммавий маданият”нинг ёшлар маънавиятига хуружларни яна бир катта хавф туғдираётгани – миллий қадрият туйғуларини заифлаштириш, асрий урф-одатлар, энг олижаноб инсоний фазилатларга ёт бўлган ҳаёт тарзини зўр бериб тиқиштириш, шахсиятпарастлик ва худбинпарастликни жозибали усуллар билан тарғиб қилишга йўналтирилганлигидир. Бир қатор файласуф олимлар “оммавий маданият” ўз моҳияти жиҳатидан ғайриинсоний хусусиятга эга бўлиб бораётгани, хусусан, немис файласуфи К. Ясперс “оммавий маданият”ни “санъат моҳиятининг таназзули” деб баҳолаган бўлса, испан файласуфи ва социологи Ортега Гассет унинг ғайриинсоний тус олаётганини кўрсатган. Улар “оммавий маданият” фақат айрим ташқи кўринишлари бўйича санъат ва нафис адабиёт асарига ўхшаши, туб моҳияти жиҳатидан эса сунъий, сохта, ясама эканлигини таъкидлаганлар.

Кибермакондаги маънавий иллатлар бутун дунёда катта муаммога айланиб улгурди. Ф.Фукуяма, У.Бек, Леш ва бошқа олимлар бу борада постиндустриал жамиятлар эришган техник ва иқтисодий тараққиётнинг улкан ютуқлари жамият маънавий ҳаётини шунга мувофиқ тараққиётга олиб келмаётгани ҳақидаги фикрни билдирадilar. Дарҳақиқат, чегараланмаган индивидуализм маданияти жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Чунки унинг асосий қоидаси асрлар мобайнида шакланган қадриятларни бузишдан иборат. Бу муаммоларнинг ўзагини – жамиятни тартибга солувчи турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларни умум мақсад йўлида бирлаштирувчи ва демак, унинг яшовчанлигини таъминловчи муҳим “ижтимоий капитал” бўлган ижтимоий қадриятларнинг парчаланиши ташкил этади. Бу парчаланишни Ф.Фукуяма “чегаралар йўқ” шиорига таянган ва “поп-маданият” орқали сингдирилаётган “поп-психология” таъминлаётганини айтади.

Айни пайтда ёшлар, умуман аҳолининг кўпгина қатламларида бу ҳолат кузатилади, ўзаро кам мулоқот қилиб, бир-биридан ва жамиятдан тобора бегоналашув

4 Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 1-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -195-196 б.



кузатилмоқда. Камайиб кетган жонли мулоқот ўрнини кўпроқ интернет ёрдамида амалга ошириладиган виртуал мулоқот тўлдирмоқда. “Визуал оммавий маданият инсон тафаккурини, фантазиясини, тасаввурларини, мавҳум тушунчаларни қабул қилиш, таҳлил этиш ва эслаб қолиш қобилиятини ривожлантирмайди. Буни ҳозирги айрим ёшларнинг илмий ва бадиий китобларни ўқимамай қўйганида, ўз фикрини тушунарли қилиб ёзма ифода этолмаслигида, оғзаки нутқининг ғализлигида кўриш мумкин. Визуал маданият тайёр стереотип (андозавий) фикр ва ғояларни сингдириб, инсон дунёқарашини, онгини бойитмайди, балки бошқаради”⁵.

Маълумотлар оммавий муҳитда имкон қадар муносабатга учраши учун улар томошабоп ва самарали бўлиши, шунингдек, омманинг онгига хос бўлган архитипларига таъсир кўрсатиши лозим. Масалан, диний ва миллий руҳдаги айирмачилар ОАВдаги ўз хабарларида айнан шундай усуллардан фойдаланадилар. ОАВда берилаётган ахборот оммавий онгга таъсир кўрсатади ва уни сездирмай бошқаради, бинобарин, айирмачиликка қарши ҳаракатларнинг вазифаси сездирмай бошқариш техникаларидан фойдаланиш ҳисобига айнан шундай усуллардан фойдаланаётган айирмачиликка қарши туришда имкон қадар самара ва натижага эришишдир. Кибермакон бугун “оммавий маданият”нинг оддийгина таъсиридан тортиб, оилаларнинг бузилиши, диний ва миллий айирмачилик, жиноятчилик, миллий бегоналашувга қадар бўлган муаммоларнинг ошенига айланиб қолди.

“Оммавий маданият” инсонни ҳақиқий, реал воқеликдан, ҳаётнинг реал муаммоларидан чалғитади. Ҳаётини, турмушини сунъийлаштиради, виртуаллаштиради. Бу – шахслараро муносабатларга ҳам тааллуқли. Бегоналашиш кучайиб, дўстлик, улфатчилик, жонли мулоқот одамлар ўртасида, биринчи галда ёшлар ўртасида камайиб бормоқда. Мулоқот макони энди – интернет. Ўзини, ўзлигини намоён этиш интернетдаги ҳар хил ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилади. Хуллас, оммавий маданият кўплаб кишилар ҳаётида реал воқеликни сиқиб чиқариб, уни виртуал воқелик, виртуал мулоқот билан алмаштирмоқда⁶.

Бу жараённи сиёсатшунослар ахборотлашган жамиятда бирор ким ёки жамиятнинг устидан ҳукмронлик қилиш фундаментал поғонада маданий кодларга кириб бориш орқали бўлади. Одамлар ва институтлар эса улар орқали ҳаётни тасаввур этади ва тегишли қарорлар, жумладан, сиёсий қарорлар қабул қилади. Шунингдек, бу даврда ахборотлар инсон маънавий борлигини, онгу шуурини бошқаради, уни бузиб юборади ёки йўналтиради. Шундан келиб, чиқиб айтиш мумкинки, бугунги маданий олишувлар моҳиятан ахборот асридаги ҳокимият учун курашдир. Бировлар устида ҳукмронлик қилиш имкониятини берадиган ахборот тармоқлари ва улар орқали тарқатиладиган рамзларда яширинган бўлади.

Сўнгги пайтларда интернет орқали таъқиб этиш ёки илмий тилда айтадиган бўлсак, гриффинг ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Бу каби тармоқ безорилигининг энг биринчи қурбонлари айнан ёшлар қатлами, хусусан, ўсмирлар ҳисобланади. Сабаби, шу ёшда болалар табиатан очиқ бўлади ҳамда дунёга фақат ижобий нуқтаи назар билан қарайди. Улар ўзлари эришган ютуқлари билан ўртоқлашишни, ўз фикрларини

5 Эркаев А. Оммавий маданият – зиддиятли гипервоқелик.//library.ziyonet.uz.

6 Эркаев А. Оммавий маданият – зиддиятли гипервоқелик.//library.ziyonet.uz.



бировадларга баён этишни, ғоялари билан бўлишишни хоҳлайдилар. Ўсмирлар ўта ишонувчан, компьютер ўйинларига қобилиятли, буйруқларни осонликча бажарадиган бўладилар. Атрофдагилар билан кўпроқ мулоқотда бўлиб янгидан-янги фикр-ғояларни ўртага ташлайдилар, уларни амалда қўллашга интиладилар, бироқ, бу борада уларга ҳаётий тажриба етишмайди. Шунинг учун ҳам улар сайтларда қидирувни амалга ошираётганда, ахборотни қабул қилишда ёки электрон почта манзилидан фойдаланаётганда катталар ёрдамига муҳтож. Чунки бир қарашда беозор туюлган чат хоналар ёки махсус мулоқот дастурлари орқали кечадиган суҳбатлар тафаккури энди шаклланаётган болаларни охир-оқибат жиноятгача етаклаб бораётгани ҳаётий ҳақиқат.

Шубҳасиз, интернет билим ва керакли ахборотни олиш учун улкан имкониятлар яратади, бироқ тармоққа жойлаштириладиган катта ҳажмдаги ахборотнинг барчасини ҳам ишончли ва фойдали деб бўлмайди. Фойдаланувчилар маълумотларнинг тўғрилигини аниқ ажрата билиши учун танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади. Ёш авлодни кенг доирадаги манбалардан фойдаланишга йўналтириш натижасида фактларни фикрлардан фарқлашга, тўғрилиги тасдиқланмаган ахборотдан ҳимояланишга уларни ўргатиш зарур. Ҳар қандай таҳдидга қарши туриш учун ёшларимизга миллий руҳдаги кўнгилочар томошалар, адабиётлар, кинофилмлар ва бошқа медиа махсулотларни кўпайтириб боришимиз зарур. Айниқса миллий адабиётимизни, унинг миллий руҳини виртуал оламга олиб кириш, таълим-тарбиянинг миллий андозаларини интернетга жойлаш бугунги кун зиёдиларининг олдидаги энг катта вазифалардан биридир.

References: